

## ТАЙЁРГАРЛИК

## УЧ ЙИЛДАН КЕЙИН...

2019 йилнинг 5 февралда «Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Президент Фармони қабул қилинди. Мустақил Ўзбекистон тарихида биринчи марта амалга оширилаётган ушбу йирик тadbир энг аввало, мамлакат аҳолисига доир демографик, иқтисодий ва ижтимоий маълумотларни йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш имконини бeraди.

*Хўш аҳолини рўйхатга олишдан кўзда тутилган асосий мақсад нима, ушбу тadbирнинг қандай ўзига хос жиҳатлари бор? Ана шундай саволларга жавоб олиш мақсадида Давлат статистика қўмитасининг Демография ва меҳнат статистикаси бошқармаси бошлиғи Бекзоид Шодиевга мувожаат қилдик.*

– Агар ўтмишга назар ташласак, аҳоли сонини ҳисобга олиш эҳтиёжи узoқ тарихга бориб тақалади. Хусусан, Қадимги Хитой, Миср, Греция, Япония, Рим ва Эронда ҳам аҳоли ҳисоби юритилгани тўғрисида маълумотлар бор.

Лекин ўша пайтларда ҳисобга олиш услублари жуда содда бўлиб, ҳозирги замонавий услублардан кескин фарқ қилган. Аҳолини ҳисобга олишдан асосий мақсад эса ҳарбий ва солиқундириш борасида маълумот олишга қаратилган.

Биринчи марта тартибли кўринишдаги аҳолини умумий рўйхатдан ўтказиш тadbiri эса 1790 йилда АҚШда амалга оширилган. Шундан кейин 1800 йили Швеция ва Финландияда, 1801 йилда Англия, Дания, Норвегия ва Францияда ўтказилган.

Ўзбекистон ҳудудида эса биринчи марта аҳолини умумий рўйхатга олиш Россия Империясининг биринчи умумий рўйхатдан ўтказиш доирасида, яъни 1897 йилда амалга оширилган.

Совет ССРР даврида «Бутуниттифоқ аҳолини умумий рўйхатдан ўтказиш» дастури доирасида 1926 (4,6 млн. киши), 1939 (6,3 млн. киши), 1959 (8,1 млн. киши), 1970 (11,8 млн. киши), 1979 (15,4 млн. киши) ва 1989 (19 млн. киши) йилларда Ўзбекистон аҳолиси умумий рўйхатдан ўтказилган.

Мустақиллик йиллари Ўзбекистонда аҳолини рўйхатга олиш тadbiri ўтказилмаган. Мамлакатимизда ана шундай муҳим тadbирга илк мартаба киришилмоқда. Айтиш жоизки, Халқаро статистика Конгресси ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти барча давлатларга ҳар 10 йилда бир мартаба аҳолини рўйхатга олиш тadbiri-ни ўтказишни тавсия этади.

БМТ Иқтисодий ва ижтимоий



ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ  
«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА

**2022**

**йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги Фармонини шу маънода ҳам тарихий ҳужжат деб аташак, муволага бўлмайди.**

кенгашининг 2015 йил 10 июндаги «2020 йилда Бутунжаҳон аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш дастури» Резолюциясида ҳам аъзо давлатларнинг 2015 йилдан 2024 йилгача камида бир марта «Аҳоли рўйхатга олиш тadbiri»ни ўтказиши тавсия этилган.

Дунё давлатларида ўтказилган Бутунжаҳон аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш дастури эса Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Статистика комиссияси томонидан мувофиқлаштириб борилди.

– Ушбу тadbирнинг долзарблиги нимада?

– Биринчидан, аҳолини рўйхатга олиш жараёнида фуқароларнинг аниқ сони (ёши ва жинси таркиби, фуқаролиги, миллатлар таркиби (кенг қамровли), oilавий аҳоли, маълумот даражаси, уй-жой билан таъминланганлик даражаси, меҳнат ресурслари, иқтисодий фаол аҳоли, аҳоли бандлиги (қасби ва мутахассислиги) ва ишсизлиги, даромад олиш манбалари ҳамда ногиронлиги аниқланади. Бундан ташқари, аҳолининг миллий таркиби, қайси динга мансублиги, oilавий аҳоли (никоҳда ёки никоҳда эмаслиги, oilа сони, никоҳда бўлган даврлар), аҳоли миграцияси, хорижда ишлаётганлар сони, фуқароларнинг маълумотлилик, бандлик даражалари, уй-жой билан таъминланганлик уйлари сони, бир кишига тўғри келадиган уй жойлар, табиий газ, сув, электр билан таъминланганлик даражалари аниқланади.

Бундай маълумотлардан эса ўз навбатида миллий ривожланиш мақсадларини амалга ошириш кўрсаткичларини шакллантириш ва мониторинг қилишда фойдаланилади.

Халқаро ташкилотларни ҳолис ахборотлар билан таъминлаш ва Рейтинг кўрсаткичларини шакллантиришда ҳам ушбу маълумотлар асос бўлиб хизмат қилади.

Шу ўринда аҳоли ва унинг фаровонлиги тўғрисидаги ахборотлардан давлатнинг узoқ муддатли прогнозлар ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир дастурларида, аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари ташкил этиш, барқарор ривожланиш мақсадлари Миллий индикаторларини шакллантириш, меҳнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланиш жараёнларини ўрганиш, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда илмий тadbирлар олиб боришда ҳам кенг фойдаланилиши қайд этиш жоиз.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги Фармонини шу маънода ҳам тарихий ҳужжат деб аташак, муволага бўлмайди.

Ушбу Фармон асосида биринчидан, 2022 йилда аҳолини рўйхатга олиш тadbiriни ўтказиш Концепцияси тасдиқланди. Иккинчидан, унда Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини рўйхатга олиш тadbiri тўғрисидаги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш белгилаб қўйилди.

– Қушни давлатларда ҳам ушбу тadbир ўтказилиши режалаштирилганми?

Аҳолини рўйхатга олиш МДҲ давлатларининг деярли барчасида ўтказилиши режалаштирилган. Жумладан:

2019 йили – Беларусур ва Қозоғистонда, 2020 йилда – Россия Федерацияси, Қирғизистон, Тожикистон ва Озарбайжон Республикаларида, 2021 йилда Арманистон, 2022 йили эса Молдова, Украина ва Туркменистон Республикаларида ўтказилиши белгиланган.

Суҳбатдош Усмон АБДУРАСУЛОВ